


ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 3 / 2020

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

Научно-практический журнал

3/2020

Журнал основан в 1999 г.

Редакционная коллегия:

Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

акад. Арипова Т.У., д.м.н. Абдухакимов А.Н., проф. Арипов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., д.м.н. Ашурова Д.Т., проф. Аминов С.Д. (ответственный секретарь), проф. Гулямов Н. Г., проф. Исмаилов С.И., проф. Ибадова Г.А., проф. Каримов М.М., проф. Каримов М.Ш., проф. Комилов Х.М. проф. Косимов И.А. (зам. глав. редактора), проф. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х., проф. Мусабаев Э.И., проф. Мухамедов И.М., проф. Таджиев Б.М., проф. Туйчиев Л.Н., д.м.н. Саидов С.А., проф. Иноятов, А.Ш., проф. Нуралиев Н.А., проф. Назруллаев Н.У., проф. Наврузова Н.И., д.ф.н. Камбаров Х.Ж., б.ф.н. Кахоров Б.А.

Редакционный совет:

акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент)
акад. РАН Бахрамов С.М. (Ташкент)
проф. Сагдуллаев Ш.Ш. (Ташкент)
акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана)
акад. Тураев А.С. (Тошкент)
акад. Раменская Г.В. (Москва)

проф. Гариб Ф.Ю. (Москва)
проф. Каримов Х.Я. (Тошкент)
проф. Мадреимов А.М. (Нукус)
проф. Ахмедова М.Д. (Ташкент)
проф. Аскарров Т.А. (Бухара)
проф. Облокулов А.Р. (Бухара)
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань)
д.м.н. Расулов С.К. (Самарканд)

Ташкент-2020

СОДЕРЖАНИЕ

1. **АБДУЛЛАЕВА М. И.** ЛИПОПЕРОКСИДЛАНИШ ЖАРАЁНИ ЖАДАЛЛИГИНИ ЎСИМЛИК ПРЕПАРАТЛАРИ БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ.....10
2. **АБДУРАХМАНОВА Н.,А., ИБРАГИМОВ А.Я., БОЛТАЕВА К.Ш., БЕКЧАНОВ Х.К.** ИЗУЧЕНИЕ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ЧИСТОТЫ И АНТИМИКРОБНОЙ АКТИВНОСТИ СУХОГО ЭКСТРАКТА ЖЕЛЧЕГОННОГО СБОРА «ТРИФЛОС».....14
3. **АБДУХАЛИЛОВА Н.С., ИСКАНДАРОВА Ш.Ф., ИГАМБЕРДИЕВА Г. А.** “КУРМУФЕР” КАПСУЛАЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....20
4. **АЛИЕВА Г.В., ҚОБИЛОВ Ф.Б., РАССУЛОВА Н. К., БОБАЕВ И. Д., ЭЛОВА Н.А., ҚОБИЛОВ Ғ.У.** АНОР ПЎСТИ СПИРТЛИ ВА СУВЛИ ЭКСТРАКТЛАРИНИНГ МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ ФАОЛЛИГИ.....25
5. **АМИНОВ С.Д., МАМАТОВА Н.А.**АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ АНТИМИКРОБНОЙ ТЕРАПИИ ТЯЖЕЛЫХ ГОСПИТАЛЬНЫХ ХИРУРГИЧЕСКИХ ИНФЕКЦИЙ У ДЕТЕЙ С ФТОРХИНОЛОНОМ.....30
6. **ГОПУРОВА Г.Ф., ХОДЖАЕВА Н.И., СУЛТАНОВ Ш.Х.** РЕАКЦИЯ ИММУННОЙ СИСТЕМЫ НА ОСТРЫЙ ПОЛИМОРФНЫЙ ПСИХОЗ.....39
7. **ЗАРИПОВ А.А., ЕСИМБЕТОВ А.Т., БОТИРОВА З.М., ОМОНТУРДИЕВ С.З., ЖЎРАҚУЛОВ Ш.Н., УСМАНОВ П.Б.** N-24 АЛКАЛОИДИНИНГ ҚОН ТОМИР СИЛЛИҚ МУСКУЛ ҲУЖАЙРАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ.....43
8. **ИСАДЖАНОВ М.С., ТУРЕЕВА Г.М., САИДОВ С.А.** L-КАРНИТИН ТАБЛЕТКАЛАРИНИНГ МЎЪТАДИЛ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....49
9. **КАРИМОВ Х.Я.,ИРИСМЕТОВ М.Э.,АЛИМОВ Т.Р.,ШЕВЧЕНКО Л.И., АХМАДЖОНОВ А.Н.,ЭШНАЗАРОВ О.Н.** ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ НОВОГО ОТЕЧЕСТВЕННОГО ОСМОДИУРЕТИЧЕСКОГО КРОВЕЗАМЕНИТЕЛЯ ОБЛАДАЮЩЕГО АНТИОКСИДАНТНЫМИ СВОЙСТВАМИ У ПАЦИЕНТОВ ТРАВМАТОЛОГИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ.....55
10. **КАРИМОВ Х.Я., САИДОВ С.А., САЛИЕВ А.Р.,ХАКБЕРДИЕВ Ж.К.** ХРОНИЧЕСКИЙ ПРОСТАТИТ: ЭТИОПАТОГЕНЕЗ, ОТДЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ, ТЕРАПИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ.....67
11. **КАРИМОВ Х.Я., МУСАШАЙХОВА Ш.М., САЛОХИДДИНОВ З.С., БОБОЕВ К.Т.** ЗНАЧЕНИЕ МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В СТРАТИФИКАЦИИ РИСКОВ У БОЛЬНЫХ ЭССЕНЦИАЛЬНОЙ ТРОМБОЦИТЕМИЕЙ.....77
12. **КАРИМОВА Г.А.** ГЕПАТОПРОТЕКТИВНАЯ АКТИВНОСТЬ ДАРМОНАЛА ПРИ ТОКСИЧЕСКОМ ГЕПАТИТЕ.....86
13. **КАРИМОВА Р.Р., КОМИЛОВ Б.Ж.,АМИРОВ О.О., СОБИРОВА Х.Г.,ЭШБАКОВА К.А.,КАХОРОВ Б.А., КУЧБОЕВ А.Э.** АНТИГЕЛЬМИНТИК ХУСУСИЯТГА ЭГА ЎСИМЛИК ЭКСТРАКТЛАРИНИНГ ҲАЙВОНЛАР ОШҚОЗОН-ИЧАК НЕМАТОДАЛАРИГА ТАЪСИРИ (IN VITRO).....91
14. **МИРЗАБЕКОВА Ф.Н. МАМАТИСАКОВА Г.А.** ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ НАГРУЗКИ НА ФИЗИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ЮНЫХ ПЛОВЦОВ.....95
15. **МУСАШАЙХОВ У.Х., КАРИМОВ Х.Я., САЛОХИДДИНОВ З.С., БОБОЕВ К. Т.** ПРОБЛЕМА ТРОМБОФИЛИИ В КЛИНИЧЕСКОЙ ПРАКТИКЕ.....100
16. **МУСТАФАКУЛОВ М.А., МУСТАФАКУЛОВА Н.Б., УРИШЕВА Ф.М., МАМАДАЛИЕВА Н.И.** САХАРНЫЙ ДИАБЕТ НА ФОНЕ ПАНКРЕАТИТА.....108
17. **МУХТОРОВ Ш.М., СУЯРОВ А.А., ХАТАМОВ Х.М., КИРЕЕВ В. В.** ЗНАЧЕНИЕ ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ К ГЛЮКОКОРТИКОСТЕРОИДАМ ПРИ ЛЕЧЕНИИ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ.....117

18. НАРМЕТОВА М.У. ПРОФИЛАКТИКА ФОЛИЕВО – ДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИИ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА.....	125
19. ОБЛОҚУЛОВ А.Р., НАРЗИЕВ И.И., ЖАЛОЛОВА В.З., РАХМАТОВА М.Р., ЭЛМУРОДОВА А.А. COVID-19 НИНГ ДАВОЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	128
20. РАХИМОВА З.А., АГЗАМОВА Ш.Ю., АКРАМХОДЖАЕВА Н., БОБАЕВ И. Д., ЭЛОВА Н.А., ХУЖАМШУКУРОВ Н.А. ВИНО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОЛДИҚЛАРИДАН БИОЛОГИК ФАОЛ БИРИКМАЛАРНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ ФАОЛЛИГИ.....	138
21. СОХИБНАЗАРОВА Х.А., ЯКУБОВ И.Т., ЯКУБОВ М.Д., МИРАЛИМОВА Ш.М. БАКТЕРИОЦИНЫ КЛАССА II: ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ.....	144
22. СЫРОВ В.Н., ХУШБАКТОВА З.А., ЮЛДАШЕВА Н.К., ЭГАМОВА Ф.Р., ЛЕВИЦКАЯ Ю.В., ЮСУПОВА С.М., ГУСАКОВА С.Д., САГДУЛЛАЕВ Ш.Ш. ФАРМАКОЛОГИЧЕСКАЯ КОРРЕКЦИЯ ЭКДИСТЕРОНОМ В НАТИВНОЙ И ЛИПОСОМАЛЬНОЙ ФОРМЕ СТРЕССОРНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ ПЕЧЕНИ.....	155
23. СЫРОВ В.Н., ХУШБАКТОВА З.А., ИСЛОМОВА Ж. И., МАХМУДОВА М.М., ЭГАМОВА Ф. Р., ЮСУПОВА С. М., БОБОЕВ И.Д. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВИТАСТЕРОИДА ФИЗАНГУЛИДА И ПРЕДНИЗОЛОНА В УСЛОВИЯХ АДЬЮВАНТНОГО АРТРИТА У КРЫС.....	161
24. ТОШТЕМИРОВА Ч.Т., САЙДАЛИЕВА Ф.А., НОРМАХАМАТОВ Н.С., РАМАЗОНОВА Ш.Ш., ДАВЕДОВ О.Ш. GENTIANA OLIVIERI GRISEV L ЎСИМЛИГИ СУЮҚ ЭКСТРАКТИНИНГ ДИУРЕЗГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ.....	168
25. УСМАНОВ У.Х., ЗАЙНУТДИНОВ Х.С., ТЕМИРОВ .С., ИСЛАМОВА М. З. СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ МИКРОЭЛЕМЕНТНОГО СОСТАВА ПРОТИВОЯЗВЕННОГО СБОРА И СУХОГО ЭКСТРАКТА, ПОЛУЧЕННОГО НА ЕГО ОСНОВЕ	172
26. ХАСАНОВА М. А. ОПРЕДЕЛЕНИЯ АНТИГЕНОВ СИСТЕМЫ АВО В СЛЕДАХ ГЕМОЛИЗИРОВАННОЙ КРОВИ.....	180
27. ХАСАНОВА Н.А. ШАХСНИНГ ДАВОЛАНИШГА МУНОСАБАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ВА ТИББИЙ ОМИЛЛАРИ.....	184
28. ХАТАМОВ Х.М., СУЯРОВ А.А., КИРЕЕВ В.В., ФОЗИЛЖОНОВА М.Ш. ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРОТИВОАЛЛЕРГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ НОВОЙ 4% КОМБИНИРОВАННОЙ МАЗИ ПРИ КОНТАКТНОМ АЛЛЕРГИЧЕСКОМ ДЕРМАТИТЕ.....	190
29. ХЎЖАНОВА Л.А., РАЖАМУРАДОВ З.Т., КАМОЛЛИДДИНОВ Ғ.Х. ТУРЛИ ОЗИҚЛАНИШ ТИПЛАРИ РАЦИОНЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ СИГИРЛАРНИ ГЕМАТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА РЕЗИСТЕНТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	196
30. ШОДИЕВ Г.Б., РАЙИМОВ С.З., КАРИМОВА Р.А., БОТИРОВ Т.К., ПЎЛАТОВ М.М., НОРОВ А.Т. ЧЎКИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	203
31. ЮНУСОВА Х.М., АБДИЖАЛИЛОВА З.Х. БИОФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЕ И ФАРМАКОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СВОЙСТВ ТАБЛЕТОК “АМБРОЛ” МЕТОДАМИ IN VITRO И IN VIVO.....	208

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ,
ИММУНИТЕТ ТУРЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКАДА БУ
ЙЎНАЛИШДАГИ ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ-ИШЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ**
Икромов Рустам Ниязович., Маматкулов Иброҳим Хомидович.

Санитария-эпидемиологик осойишталик Агентлиги,

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти

rustamjon.ikramov@minzdrav.uz

Республикаимиз Президенти томонидан COVID-19 пандемияси даврида мамлакатимиз иқтисодиётини яхшилаш, аҳолини муҳофаза қилиш йўлида бир қанча Фармонлар қабул қилинган ва унинг ижросини таъминлаш бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарори шулар жумласидандир. Бундан ташқари, фан соҳасини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги УП-3698 фармонига асосан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳалаштирилган стартап-лойиҳасида инсон организмдаги иммунитет тизимига таъсир этувчи маҳаллий препаратларни ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш белгиланган. Бу йўналишда аҳоли соғлигини сақлаш, инфекцион касалликларни олидини олиш, инсонлар иммунитетини кучайтириш йўлида республикаимизда олиб борилган илмий изланишлар натижаларида дори воситаларининг таъсир доирасини кенгайтириш борасидаги тавсиялар инобатга олинган.

Юқумли касалликлар орасида вируслар келтириб чиқарадиган касалликлар XX аср охири ва XXI аср бошларида энг кўп тарқалган инфекциялар бўлиб, дунёнинг глобал муаммосига айланди. Дунё ҳамжамияти, олимлар ҳозирги вақтда коронавирус инфекциясининг янги тури COVID-19 га қарши беморлар учун даво чораларини кашф этишда, соғлом одамларга нисбатан эса уларни касалланмасликлари бўйича турли вакциналарни қўллаб, инсон организми иммунитетини кўтариш мақсадида тинмай меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунга келиб коронагавирус касаллигига қарши вакциналар дунёдаги биронта ҳам давлатда халқ орасида кенг жиҳатда қўлланилиши бошланмаган. Бундай ҳолатларда нима қилиш керак эканлигини билиш

мақсадида Иммунология фанида иммунитетга берилган таърифларга муурожаат этамиз.

Иммунология хақида қисқача маълумот. Хўш, иммунитет – бу нима? Иммунитет (лотинчадан – бирон нарсдан халос, озод бўлиш, қутулиш) – тирик мавжудларнинг ўз бутунлиги ва биологик ноёблигини бузувчи “ЁТ” омиллардан химояланиши, қаршилиқ кўрсатиши, резистентлиги. Бу омиллар организм учун ирсий бегона бўлган кимёвий агентлар – антигенлар тутади. Фан соҳаси аниқлаганлиги бўйича организмни инфекцион агентлар ва бошқа ёт моддалардан химоя қилиш омиллари табиати учга бўлинади: (3).

1. Филогенетик иммунитет – анатомик ва физиологик белгилар билан таъминланиб, наслдан-наслга ўтадиган номахсус химоя омиллари ёки организмнинг номахсус резистентлиги. **Бу омиллар патоген агентлар билан биринчи бўлиб алоқа қилади**, шунинг учун уларнинг фаолияти хисобига одам организмнинг кўпгина юқумли касаллик кўзғатувчиларига чидамлилиги таъминланади.

2. Туғма иммунитет (турга хос, табиий) – бир биологик турнинг маълум бир патоген агентга нисбатан чидамлиги бўлиб, наслдан-наслга ўтади. Масалан, ит, қорамол, товукларнинг ўлат касаллиги кўзғатувчилари одамларга юқмайди, ўз навбатида одамлардаги захм, қизамиқ, вирусли гепатит, ОИТС кўзғатувчилари ҳайвонларда касаллик кўзғатмайди. Турга хос иммунитет узок йиллар давомида эволюция натижасида макроорганизм билан патоген микроорганизмларнинг ўзаро муносабати оқибатида вужудга келган.

3. Орттирилган иммунитет – хаёт давомида организм иммун системасининг ёт антигенлар билан таъсирлашуви хисобига юзага келадиган химоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди. Орттирилган иммунитет табиий ва сунъий бўлади. **Табиий иммунитет** ўз навбатида яна иккига бўлинади: 1) табиий фаол иммунитет – юқумли касалликдан соғайгандан сўнг юзага келади; 2) табиий суст иммунитет – онадан йўлдош ва сут орқали ўтади. **Сунъий иммунитет** ҳам икки хил бўлади: 1) сунъий фаол иммунитет вакциналар билан эмлаганда ҳосил бўлади; 2) сунъий суст иммунитет – зардоб, қон, иммуноглобулин ва плазмалар юборилгандан сўнг юзага келади. Тўқима ва аъзоларни донордан реципиентга кўчириб ўтказишда ривожланадиган химоя **трансплантацион иммунитет** деб аталади. Бу химоя кўчириб ўтказилган тўқима ва аъзоларнинг битиб кетмаслигига ва уларнинг некрозга учрашига сабаб бўлади. Муайян тўқима ва аъзода маълум бир омилга қарши ривожланган химоя **маҳаллий иммунитет** деб аталади. Бу химоя сиртки иммун тизим аъзоларининг

фаоллиги ҳисобига юзага келади (Википедия). Коронавирус инфекцияси ЖССТ маълумотларига кўра дастлаб 2002 йилда атипик пневмония (SARS) мисолида дунёнинг 29 давлатига тарқалиб, 8096 одамга юқиб, 774 та (9,6%) касаллик юқтирган одамларнинг ўлимига сабаб бўлди; 2009 йилда чўчқа гриппи (H1N1) дунёнинг 214 давлатларига тарқалиб, 1 632 258 одамларга юқиб, 284500 (17,4%) касалланганларнинг ўлимига олиб келди; 2012 йили янги парранда гриппи (H7N9) дунёнинг 28 давлатларига тарқалиб, 2494 одамларга юқиб, 858 (34,4%) касалланганларнинг ўлими билан якунланди; 2013 йилда Яқин шарқ респиратор синдроми коронавируси (MERS) дунёнинг 3 давлатларига тарқаб, 1568 кишига юқиб, 616 (39,3%) касалланганларнинг нобуд бўлишига олиб келди; 2019 йилда коронавируснинг янги тури COVID-19 дунёда тарқалиши бошланиб, 2020 йилнинг 2 апрел кунига келиб 200 га яқин давлатларга тарқалди. Шу боис, ЖССТ нинг Бош Директори Тедрос Адханом Гебрейесусиб қуйидагиларни таъкидлади: “Беш ҳафта давомида касалликнинг янги ҳолатлари экспонент шаклида ошмоқда, ўлим ҳолатлари эса охириги ҳафта давомида икки мартабага ошди. Кейинги кунларда дунё миқёсида 1млн. тасдиқланган ҳолатни ва 50 минг ўлимни қарши оламиз”. Джонс Хопкинс Университети маълумотларига асосан эса 1.04.2020 йил ҳолатига касалланганлар сони 936000 ни, ўлганлар – 47200, тузалганлар эса 193000 ни ташкил этган. Бу рақамлар абсолют сонларда берилган бўлиб, касалликнинг ҳақиқий тарқалганлик даражасини ифодамай олмайди. Бу кўрсаткичга аниқ баҳо бериш учун тиббиёт математикаси – Эпидемиология фанига мурожаат этамиз. Унга кўра касалликни айнан қайси давлатда тарқалганлик даражасини баҳолаш учун, ўша давлатнинг 100 минг аҳоли сонига нисбатан тегишли рақамлар баҳо беради. Мисол тариқасида Джонс Хопкинс Университети маълумотларига асосан жаҳоннинг энг касаллик кўп учраган ва Ўзбекистон атрофидаги ҳақиқий эпидемиологик тарқалганлик даражасини 5 апрел 2020 йил ҳолатини тақдим этамиз (жадвал 1).

Жадвал 1

№	Наименование стран	Абсолютный показатель	Интенсивный показатель на 100 тысяч населения
1.	Испания	126168	271,9
2.	Италия	124632	209,8
3.	Франция	90848	139,7
4.	Германия	96092	117,0
5.	США	311544	96,00

6.	Армения	770	25,6
7.	Молдова	752	24,2
8.	Китай	82543	5,85
9.	Азарбайжон	521	5,4
10.	Беларусь	440	4,6
11.	Россия	4731	3,2
12.	Козоғистан	551	2,9
13.	Кирғизистон	144	2,2
14.	Ўзбекистан	298	0,87

Такдим этилган жадвалда 2020 йилнинг 5 апрел ҳолатига 14 та танлаб олинган давлатлар орасида касаллик энг кўп тарқалган давлат Испания – 100 минг аҳоли орасида 271,9 касаллик ҳолати аниқланган бўлса, энг кам касаллик тарқалган давлат – **Ўзбекистон - 100 минг аҳоли орасида 0,87 касаллик ҳолати аниқланган.**

2020 йил 25 июнь кунининг соат 07:00 ҳолатига келиб Ўзбекистон Республикасида қуйидагича статистик маълумотлар эпидемиологик ҳолатни 1-расм ифодалайди.

1-Расм

COVID-19 БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Худуд номи	Қайд Этилган	Даволан- ганлар	Вафот этганлар
1. Қорақалпоғистон Республикаси	143	136	
2. Андижон вилояти	195 +1	181	
3. Бухоро вилояти	507	478	
4. Жиззах вилояти	5 +2	3	
5. Қашқадарё вилояти	183	6	
6. Навоий вилояти	280	223	
7. Наманган вилояти	297	265	4
8. Самарқанд вилояти	428	386	2
9. Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилди		
10. Сурхондарё вилояти	75 +1	43	2
11. Фарғона вилояти	158	157	1
12. Хоразм вилояти	296	240	
13. Тошкент вил. ва Тошкент ш	4423 +85	2567	11
Жами:	6990 (+89)	4685	20

Худудлар номи	Қайд этилган	Даволанган	Даволанаётганлар		
- Қорақалпоғистон Республикаси	- 143	136	95%	7	5%
- Андижон	- 195	181	93%	14	7%
- Бухоро	- 507	478	94%	29	6%
- Жиззах	- 5	3	100%	2	40%
- Қашқадарё	- 183	6	3%	177	97%
- Навоий	- 280	223	80%	57	20%
- Наманган	- 297	265	89%	28	9%
- Самарқанд	- 428	386	90%	40	9%
- Сирдарё	-	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилди			
- Сурхондарё	- 75	43	58%	30	40%
- Фарғона	- 158	157	100%	0	0%
- Хоразм	- 296	240	81%	56	19%
- Тошкент вил. ва Тошкент ш	- 4423	2567	59%	1845	41%
Республика бўйича	- 6990	4685	67%	2285	32%

Мазкур расмда берилган маълумотларга асосан Ўзбекистонда рўйхатга олинган беморлар орасида касалликдан тузалиш суърати 67% ташкил этган бўлса, касалликдан вафот этган фоизи (дунёда энг паст кўрсаткич) 0,29% ни ташкил этган.

Дунёнинг кўпчилик давлатларида касалликга қарши турли вакциналар яратилиб, уларнинг синовлари бошланган. Барчага маълумки, вакциналарнинг самарадорлигини ўрганишга бир-неча йил талаб этилади, чунки вакцина инсон организмини қанча вақт давомида касалликдан сақлай олиши жуда муҳим. Шу боис, бу давр давомийлигини, иммунитет тизимининг эса бошқа жавҳалари ҳам борлиги инобатга олсак, инсон организмнинг ички имкониятлардан фойдаланиш – вазиятдан чиқишнинг яна бир йўналишидир (1, 2, 3). Унда, нега шу даврда биз эпидемик жараёнга хужайра иммунитетни орқали таъсир этиб, табиат инсонга тақдим этган **филогенетик ёки туғма иммунитетнинг носпецифик хужайралари – макрофаглар хусусиятларини оширишга ҳаракат қилиб кўрмаймиз?** Ахир бундай препаратлар табиий маҳсулотлардан тайёрланиб, БФҚ лар сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг СЭО Агентлигида рўйхатга олинади.

Бу борада ЖССТ томонидан 2005 йилда қабул қилинган халқаро юридик ҳужжат - Халқаро тиббий-санитария қоидалари меъёрларининг бири-“43-модда Қўшимча тиббий-санитария чоралари”шундай ифодаланган: “1. Мазкур Қоидалар иштирокчи давлатларга тиббий-санитария чораларини аҳоли саломатлиги учун аниқ хавф-хатар ёки халқаро аҳамиятга эга жамият соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулотта вазиятларга жавобан ўзларининг шу соҳадаги миллий қонунчилигига ва

халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мос равишда амалга оширишларига монелик қилмайди ва улар: **(а) саломатликни муҳофаза қилишнинг худди ЖССТ тавсияларидаги каби ёки унга қараганда юқорироқ даражасини таъминлайдилар;**” дея таъкидланган (5).

Демак, илмий жиҳатдан филогенетик ва туғма иммунитет даражасига таъсир этадиган маҳаллий препаратларни синовларини республикада ўтказишимиз талаб этилади. Бу борада Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, Санитария-эпидемиологик осойишталиги Агентлиги, Вирусология ИТИ, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти олимлари билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги 2020 йилнинг 24 апрел куни тасдиқлаган “Коронавирус инфекцияси профилактикаси, беморларнинг яқинлари ва мулоқотдагилари ўртасида олиб бориладиган тадбирлар” номли Услугий тавсияномани чоп этди. Ушбу рисола давлат томонидан молиялаштирилган, **стартап-лойихаси** доирасида тайёрланди. Унда таклиф этилган иммун тизимига таъсир этиш усули, COVID-19 касаллигидаги инфекция манбалари – клиник белгилари бўлмаган “ташувчиларни” жиловлашга қаратилган икки ёқлама шифрланган эпидемиологик синовларини ўтказишга асос бўлади. Шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик Агентлигининг 2020 йилнинг 17 июн кунидаги “COVID-19 билан касалланган беморлар билан мулоқотда бўлганлар орасида касалликнинг профилактикаси тадбирларининг самарасини ўрганиш мақсадида плацебоназоратли икки ёқлама шифрланган эпидемиологик синовлар ўтказиш ҳақида” номли 45-сон буйруғи тасдиқланди.

Бундан ташқари, енгил ва ўрта-оғир беморларни даволашда вирусга қарши препаратларни, тайёр иммуноглобулинларни тўғридан-тўғри ўпка тўқимасига етказишга мўлжалланган услубларни, тромблар ҳосил бўлишини даволовчи дори-дармонларни яратиб уларни ишлаб чиқариш ўзбек олимларининг тезкор ҳал этиши лозим бўлган илмий йўналишлар қаторида бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гариб. Ф.Ю., Ризопулу А.П. Использование Т-регуляторных клеток хозяина в стратегии иммунной инвазии патогенов (Обзор). Биохимия, М., 2015, том 80, вып.8, с. 1141-1159.
2. Игнатов П.Е. // Иммуитет и инфекция. Возможности управления. – Москва, 2002. - 350 с.
3. Микробиология, Иммунология, Вирусология: Тиббиёт институтларининг талабалари учун дарслик / Муаллифлар: И. Муҳамедов, Э. Эшбоев, М. Зокиров ва бошқ.- Т.:/ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002.-520 бет.
4. Халқаро тиббий-санитария қоидалари. 2005 йил, 2-нашри.(86 б.) 38-б.

**ЛИПОПЕРОКСИДЛАНИШ ЖАРАЁНИ ЖАДАЛЛИГИНИ
ЎСИМЛИК ПРЕПАРАТЛАРИ БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ****Абдуллаева Машхура Икромжонова***Тошкент тиббиёт академияси*mashhura.ikromjonovna@mail.ru**Калит сўзлар.** Этанол, МДА, каталаза, ўсимлик препаратлар.


Кириш. Сурункали этанолни қабул қилиш этанол метаболизмида цитохром Р450 иштирокини кучайтиради ва ҳосил бўлган эркин радикаллар хужайра мембранасининг шикастланиши, апоптоз содир бўлиши ва оксидатив стресс жараёнини чақиритиши мумкин. Бу эса организмда этанол таъсирида липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнининг фаоллашуви натижасида содир бўладиган биокимёвий ўзгаришларни тушунтириш учун асос бўлади.

Ишнинг мақсади. Ўсимлик препаратларининг этанол билан захарланиш шароитида липопероксидация жараёнига ва каталаза фаоллигига таъсирини аниқлаш.

Материал ва усуллар. Этанол билан захарланишда бош мия ва жигарда липопероксидация жадаллигига ўсимлик препаратларининг таъсирини ўрганиш учун карсил препарати ва Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари томонидан *Geranium saxatile* ўсимлидан ажратиб олинган проантоцианидин танлаб олинди. 52 та каламушда 28 кун мобайнида сурункали алкоғолдан захарланиш моделлаштирилди, қолган каламушлар интакт (1чи гуруҳ) гуруҳни ташкил этди ва уларга худди шу миқдордаги дистилланган сув ошқозон орасига юборилди. 21-кундан бошлаб сурункали алкоғол интоксикацияси моделлаштирилган каламушлар 3 гуруҳларга ажратилди ва даво муолажалари олиб борилди: 2 чи гуруҳ – “даволанмаган” каламушлар; 3 чи гуруҳ – “асосий” гуруҳ бўлиб, ушбу гуруҳга проантоцианидинли бирикма 100 мг/кг миқдорда ошқозонга зонд орқали юборилди; 4 чи гуруҳ – “қиёсий” гуруҳга карсил препарати 100 мг/кг миқдорда ошқозонга зонд орқали юборилди. Бош мия ва жигар гомогенатларида МДА миқдори ва каталаза фаоллиги аниқланди. Малон диалдегиди миқдори тажриба ҳайвонларининг қон зардоби ва тўқима гомогенатларида Л.И. Андреева ва бошқаларнинг [1], 2-3 диен боғларига эга бўлган тўйинмаган ёғ кислоталарининг перекисли оксидланишидан ҳосил бўлган малон диалдегиди билан тиобарбитурат кислотанинг ўзаро таъсирига асосланган усули бўйича аниқланди. Каталаза фаоллиги Коралюк М.А. ва бошқаларнинг водород перекиснинг молибден тузлари билан сариқ рангли бирикма ҳосил қилишига асосланган усули ёрдамида аниқланди [3]. Олинган натижалар статистик қайта ишлаш ва расмларни чизиш Excell ва OriginPro 7,5 (Microsoft, USA) таҳлил амалий дастурлари пакетини қўллаган ҳолда статистик ишлаб чиқилди.

Натижалар ва муҳокама. Этанол ва унинг метаболитларининг токсик таъсири хужайралар мембранасининг структур-функционал бирлигининг бузилишига олиб келувчи липопероксидация жараёнининг

жадаллашиши билан боғлиқ. Бу механизмни тушунтириш мақсадида, биз ЛПО жараёнининг охириги маҳсулоти МДА миқдорини қон зардобиди, мия ва жигар тўқималарида аниқладик. Бизнинг тажрибамизда этанол билан захарланган ҳайвонлар гуруҳида МДА миқдорининг интакт ҳайвонларга нисбатан қон зардобиди, жигар ва мия тўқимасида ортиши яққол намоён бўлди (1-расм). Жумладан, қон зардобиди МДА миқдорининг ортиши интакт каламушлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 2,46 мартаба ортиб $15,42 \pm 0,53$ нмоль/млга тенг бўлса, карсил ва янги проантацианидин дори воситалар таъсирида даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан билан даволанган гуруҳларда ушбу кўрсаткич 1,77 ва 1,83 мартаба пасайди ва $9,84 \pm 0,26$ ва $8,44 \pm 0,36$ нмоль/мг оқсил ташкил этди. Жигар тўқимасида МДА миқдори даволанмаган гуруҳда 4,29 мартаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишонарли $1,19 \pm 0,04$ нмолгача кўтарилди. Карсил ва янги модда билан даволаш эса бу кўрсаткични даволанмаган гуруҳнигача нисбатан 3,75 ва 4 мартаба камайтирди ва МДА миқдори $0,40 \pm 0,008$ ва $0,32 \pm 0,009$ нмоль/мг оқсил ташкил этди. Мия тўқимасида ҳам биз ижобий ўзгаришларни кузатдик. Жумладан, агар даволанмаган гуруҳда МДА миқдори интакт ҳайвонлар кўрсаткичига нисбатан 1,45 мартаба ортган бўлса ва $1,10 \pm 0,04$ нмоль/мг оқсилгача кўтарилган бўлса, карсил ва янги проантацианидинларни қўллаганимизда МДА миқдори 1,37 ва 1,39 мартаба, яъни $0,80 \pm 0,04$ ва $0,79 \pm 0,01$ нмоль/мг оқсилгача камайди. Шунини айтиш жоизки, агар мия тўқимасида улар интакт ҳайвонлар кўрсаткичларигача пасайган бўлса, жигар тўқимасида ва қон зардобиди бир мунча юқориликгача сақланиб қолди.




1-расм. Сурункали алкоголь интоксикацияси фармакотерапиясида қон зардобиди (А), жигар ва мия гомогенатларида МДА миқдоринг ўзгариши, $M \pm m$, $n=6$

Адабиётларда кўрсатилишича, алкоголь таъсирида синаптосомаларда липидларнинг пероксидланиш жараёни фаоллашуви [4] ва шунингдек, алкоголь таъсирида алкоголик беморларда қонда МДА миқдорининг ортиши аниқланган [5]. Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Этанолни сурункали истеъмол қилиш антиоксидант тизим фаолиятидаги дисбаланс келтириб чиқариши ҳам тажрибамизда ўз

исботини топди (2-расм). Жумладан, мия ва жигар тўқимасида каталаза фаоллиги сурункали этанол билан захарланган каламушлар гуруҳида 1,57 ва 1,3 маротаба интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан пасайган, яъни жигар тўқимасида $0,30 \pm 0,012$ мкат/мг оксилдан $0,189 \pm 0,007$ мкат/мг оксилгача, мия тўқимасида эса $0,216 \pm 0,008$ мкат/мг оксилдан то $0,166 \pm 0,007$ мкат/мг оксилгача пасайган. Даволанган каламушларди эса фермент фаоллиги интакт каламушлар гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашганини кўрдик. Жумладан, карсилни ёки проантацианидинларни киритилиши фермент фаоллигини даволанмаган каламушлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан қон зардобиди 1,07 ва 1,09 маротаба; жигарда 1,51 ва 1,54 маротаба; мияда 1,08 ва 1,14 маротаба оширди.



2-расм. Сурункали алкоголь интоксикацияси фармакотерапиясида жигар ва мия гомогенатларида каталаза фаоллигининг ўзгариши, $M \pm m$, $n=6$

Каталаза антиоксидант сифатида таъсир қилувчи ва ЛПО маҳсулотларига қарши ҳимоя тизимида муҳим вазифа бажарувчи ферментдир. Кўпгина тадқиқотларда каталаза фаоллигини сурункали алкоголь истеъмол қилганда сезиларли пасайиши аниқланган [2; 6.]. Антиоксидант тизим ферментларидан бири бўлган каталаза фаоллигининг этанол билан захарланишда ўзгариши ЛПО маҳсулотлари ва кислороднинг фаол шакллари ортиқча миқдорда ҳосил бўлиши туфайли ферментнинг фаол группалари модификацияси, молекуласининг конформацион ўзгаришлари ва уларнинг деградацияси бўлишидан далолат беради [7.]. Айниқса супероксид радикали каталазани кучли ингибирловчиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, этанолни липидларнинг пероксидланиш кўрсаткичлари ва каталаза фаоллигига таъсирини коррекция қилишда антиоксидант хусусиятга эга бўлган проантацианидинлар гуруҳига кирувчи янги модда билан даволанган гуруҳларда МДА миқдорининг пасайиши, каталаза фаоллигининг ортиши эса бошқа карсил билан даволанган гуруҳларга нисбатан юқори бўлди.

ХУЛОСА

1. Сурункали этанол билан захарланиш шароитида бош мия ва жигарда липидларнинг перекисли оксидланиш жараёни жадаллашиши кузатилади.

2. Сурункали этанол билан захарланиш шароитида карсил препарати ва проантацианидинни қўлланиши бош мия ва жигарда МДА микдорининг камайишига ва каталаза фаоллигининг ортишига олиб келади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Андреева Л. И., Кожемякин Л.А., Кишкун А.А. Модификация метода определения перекисей липидов в тесте с тиобарбитуровой кислотой // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С.41-43.

2. Барышева Е.С., Судакова Э.А. Изучение влияния этанола на активность каталазы, структуру геномной днк и морфофункциональное состояние тканей у крыс-самок в эксперименте // Современные проблемы науки и образования. – 2016. – № 3. – С.27-30.

3. Коралюк М.А., Иванова Л.И., Майорова И.Г. Определение активности каталазы // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С. 16-19.

4. Analia G.K., Gabriela M., Analia C., Paulina L., Juanita B., Silvia L.A. Free radical production and antioxidant status in brain cortex non-synaptic mitochondria and synaptosomes at alcohol hangover onset // Free Radical Biology and Medicine. – 2017. – V.108. – P.692-703.

5. M-Ch. Huang., Ch-H. Chen, F-Ch. Peng, Sh-H. Tang., Ch-Ch. Chen. Alterations in Oxidative Stress Status During Early Alcohol Withdrawal in Alcoholic Patients // J Formos Med Assoc. – 2009. – V.108(7). – P.560-569.

6. Olufunke O.D., Oluwole B.A., Edidiong N.A. Alcohol-induced testicular oxidative stress and cholesterol homeostasis in rats – The therapeutic potential of virgin coconut oil // Middle East Fertility Society Journal. – 2012. – V.17. – P.122-128.

7. Rhoads D.E., Contreras C., Fathalla S. Brain Levels of Catalase Remain Constant through Strain, Developmental and Chronic Alcohol Challenges // Enzyme Research. – 2012. – P.1–6.

РЕЗЮМЕ

КОРРЕКЦИЯ ИНТЕНСИВНОСТИ ЛИПОПЕРОКСИДАЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ

Абдуллаева Машхура Икромжоновна

Тошкент тиббиёт академияси

mashhura.ikromjonovna@mail.ru

Изучены содержания МДА (малоновый диальдегид) и активности каталазы в гомогенате головного мозга и печени и влияние растительных препаратов на них в условия алкогольного поражения.

Уровень МДА возрастал при отравлении этанолом в мозге и печени, а активность каталазы снизилась. Фармакотерапия хронического алкогольного поражения головного мозга и печени проантацианидином и карсилом приводит к снижению содержания МДА и повышению активности каталазы. Полученные данные свидетельствуют о наличии антиоксидантных свойств использованных соединений.

Ключевые слова.Этанол, МДА, каталаза, растительные препараты.

SUMMARY
**CORRECTION OF THE INTENSITY OF LIPID PEROXIDATION
IN THE BRAIN AND LIVER BY HERBAL PREPARATIONS AT
ALCOHOL INTOXICATION**

Abdullayeva Mashhura Ikromjonovna

Tashkent medical academy

mashhura.ikromjonovna@mail.ru

It has studied the concentration of MDA and catalase activity in the homogenate of the brain and liver and the effect of herbal preparations on them under conditions of alcoholic damage.

MDA levels increased with ethanol poisoning in the brain and liver, and catalase activity decreased. Pharmacotherapy of chronic alcoholic damage with proanthocyanidin and karsil leads to decrease the concentration of MDA and increase catalase activity. The result indicate the presence of antioxidant properties of this preparations.

Key words: Ethanol, MDA, catalase, herbal preparations.

УДК 615.322:615.076.7

**ИЗУЧЕНИЕ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ЧИСТОТЫ И
АНТИМИКРОБНОЙ АКТИВНОСТИ СУХОГО ЭКСТРАКТА
ЖЕЛЧЕГОННОГО СБОРА «ТРИФЛОС»**

**Абдурахманова Наргиза Абдумаджидовна, Болтаева Клара
Шамуратовна, Ибрагимов Абдулла Якубович, Бекчанов Хамдам
Кузиевич**

Ташкентский фармацевтический институт

nargiza_24.10.1975@mail.ru

Ключевые слова. Контроль качества, безопасность, микробиологическая чистота, фитопрепараты, сухой экстракт, желчегонный сбор, антимикробная активность.

Введение. Лекарственные препараты, получаемые из растений, занимают достойное место среди средств профилактики и лечения многих заболеваний. Повсеместное распространение многих лекарственных растений, дешевизна получаемых из них препаратов и высокая физиологическая активность комплекса биологически активных (действующих) веществ - все это не может не привлекать внимание исследователей. Поэтому, одной из актуальных проблем медицинской и биологической науки является поиск новых источников лекарственного растительного сырья, способных расширить сырьевую базу и обновить ассортимент лекарственных средств растительного происхождения.

По требованиям ТУ 42-01:2002 «Стандарты качества ЛС. Основные положения» и «Основных показателей качества и методы контроля, включаемые в нормативно-техническую документацию. Методические указания по разработке проектов нормативно-технической документации на лекарственные средства, представляемые на регистрацию в РУз 01-97.» при составлении Фармакопейной статьи на сухой экстракт желчегонного

сбора требуется определение микробиологической чистоты сухого экстракта с целью обеспечения безопасности препарата [1].

На современном этапе развития фармацевтического производства, обязательным является соблюдение правил надлежащей производственной практики (GMP), что приводит к ужесточению подходов контроля качества субстанций и лекарственных препаратов. В фармацевтической отрасли существует система обеспечения качества лекарственных средств и одним из наиболее важных параметров, характеризующих качество любой субстанции и лекарственных форм, является его микробиологическая чистота [2,3].

Цель исследований. Изучение микробиологической чистоты и антимикробной активности сухого экстракта желчегонного сбора «Трифлос» с целью характеристики качества отечественного сырья.

Материалы и методы. Испытание на микробиологическую чистоту согласно требованиям ГФ XI, вып. 2, стр. 193 и изменениях №2 [4,5] включало количественное определение жизнеспособных бактерий и грибов, а также выявление определенных видов микроорганизмов, наличие которых недопустимо в нестерильных лекарственных средствах.

Согласно требованиям Государственной Фармакопеи XI, вып. 2, стр. 193 и изменениям №2., лекарственные средства растительного происхождения в зависимости от способа применения разделяются на категории 3 и 4. Для них установлены пределы допустимых микробиологических норм определенных групп микроорганизмов, такие как: общее число бактерий (ОЧБ) и общее число грибов (ОЧГ), а также наличие *Escherichia coli*, *Salmonella* и энтеробактерии [4, 5], (табл. 1).

Таблица 1.

Требования к микробиологической чистоте субстанций и вспомогательных веществ для производства лекарственных препаратов

Субстанции, вспомогательные вещества	Рекомендуемые требования
Категория 3Б. Субстанции природного происхождения (растительного, животного или минерального) для производства нестерильных лекарственных препаратов	<ul style="list-style-type: none"> • Общее число аэробных микроорганизмов – не более 10^4 КОЕ в 1 г или в 1мл. • Общее число грибов – не более 10^2 КОЕ в 1 г или в 1 мл. • Отсутствие <i>Escherichia coli</i> в 1 г или в 1 мл. • Отсутствие <i>Salmonella</i> в 10 г или в 10 мл. • Отсутствие <i>Staphylococcus aureus</i> в 1 г или в 1 мл. • Энтеробактерий – не более 10^2 КОЕ в 1 г или в 1 мл.

Согласно данной классификации, сухой экстракт желчегонного сбора «Трифлос» относится к категории 3 Б – субстанции природного

происхождения (растительного, животного или минерального) для производства нестерильных лекарственных препаратов

Испытание на микробиологическую чистоту проводили официальным двухслойным агаровым методом в чашках Петри диаметром 90-100 мм. Образец сырья в количестве 10 г суспендировали в фосфатном буферном растворе (рН 7.0) так, чтобы конечный объем суспензии был 100 мл.

Определение общего числа бактерий. Приготовленную суспензию образца вносили в каждую из двух пробирок с 4,0 мл расплавленной и охлажденной до температуры от 45⁰ до 50⁰С тиогликолевой среды. Быстро перемешивали содержимое пробирки и переносили в чашку Петри, содержащую 15-20 мл соответствующей питательной среды. Быстрым покачиванием чашки Петри равномерно распределяли верхний слой агара. После застывания среды чашки переворачивали и инкубировали в течение 5 суток при температуре 35⁰С. Посевы просматривали ежедневно. Через 48 ч и окончательно через 5 суток подсчитывали число бактериальных колоний на двух чашках, находили среднее значение и, умножая на показатель разведения, вычисляли число микроорганизмов в 1 г образца. Для получения достоверных результатов учитывали только те чашки, на которых выросло от 30-300 колоний.

Определение общего числа грибов. Испытание проводили описанным выше агаровым методом, используя среду Сабуро. Посевы инкубировали в течение 5 суток при температуре от 25 до 32,5⁰С. Через 72 ч и окончательно через 5 суток подсчитывали общее число колоний дрожжевых и плесневых грибов на двух чашках, находили среднее значение и, умножая на показатель разведения, т.е. на 10, вычисляли число грибов в 1 г образца. На чашке учитывали все колонии грибов, даже если их число менее 30.

Для выявления и идентификации бактерий семейства Enterobacteriaceae образец сырья в количестве 10,0 г вносили в 100 мл питательной среды №3, перемешивали и инкубировали при температуре от 30 до 35⁰С в течение 24-48 ч. Принимая во внимание наличие роста, делали пересев петлей на среды №4 (агар Эндо) и №5 (висмут сульфит агар), разлитые в чашки Петри. Посевы инкубировали при температуре от 30 до 35⁰С в течение 24-48 ч. Поскольку после инкубации на средах №4 и №5 не наблюдалось колоний, соответствующих морфологической характеристике бактерий семейства Enterobacteriaceae, сделали вывод об отсутствии их в исследуемом образце.

Далее были проведены исследования по выявлению бактерий *Pseudomonas aeruginosa* и *Staphylococcus aureus* образец сырья в количестве 10 г вносили в 100 мл питательной среды №8, перемешивали и инкубировали при температуре от 30 до 35⁰С в течение 24-48 ч. Отмечая наличие роста, делали пересев петлей на среды №9 и №10, разлитые в чашки Петри. Посевы инкубировали при температуре от 30 до 35⁰С в течение 24-48 ч. После инкубации на средах №9 и №10 были обнаружены

колонии микроорганизмов, соответствующих морфологической характеристике бактерий *Pseudomonas aeruginosa* и *Staphylococcus aureus*, что свидетельствовало об отсутствии их в исследованном образце сырья. Результаты испытаний обобщены в таблице 2.

Таблица 2.

Показатели микробиологической чистоты сухого экстракта желчегонного сбора

Показатели	Требования нормативных документов (ГФ XI, вып.2, с 193.)	Результаты анализа	Соответствие требованиям НД
Общее число аэробных бактерий (в 1г образца)	Не более 10^3 (суммарно)	500 КОЕ	Соответствует
Общее число дрожжевых и плесневых грибов (в 1г образца)	Не более 10^2 (суммарно)	100 КОЕ	Соответствует
<i>Enterobacteriaceae</i> , <i>Pseudomonas aeruginosa</i> и <i>Staphylococcus aureus</i>	Должны отсутствовать	Отсутствуют	Соответствует

Так как в желчегонном сборе присутствует ромашка аптечная, эфирное масло которой обладает дезинфицирующим и противовоспалительными свойствами, ослабляя боли и нормализуя нарушенные функции желудочно-кишечного тракта, а хамазулен и матрицин к тому же ослабляют аллергические реакции, также в сбор входит пижма ложнотысячелистниковая, эфирное масло которой также обладает бактерицидной активностью, сочли необходимым определить, как дополнительную фармакологическую эффективность - антимикробную активность сухого экстракта.

Методика определения. Изучение антимикробной активности сухого экстракта желчегонного сбора “Трифлос” проводились совместно с сотрудниками бактериологической лаборатории Ташкентского государственного стоматологического института. Исследования проводились согласно требованиям ГФ XI [4] и “Руководства по контролю качества лабораторных исследований” (Ташкент, 2000). Антимикробную активность определяли по чувствительности тест – культур микроорганизмов методом диффузии в плотной питательной среде (“Определение чувствительности микроорганизмов к антибактериальным средствам” МУК 4.2.1890-04 РФ). В чашки Петри, установленные на столиках со строго горизонтальной поверхностью, разливали по 15,0 мл.

3,0% мясопептонного агара (МПА) [2]. После застывания агара чашки подсушивали в термостате, затем в каждую чашку наливали по 5 мл 1,5% МПА смешанного с тест - культурой. Количество последней брали из расчёта 20 млн. клеток на 1 мл. среды. Если культура представляет собой суспензию вегетативных клеток, то температура расплавленной среды, в которую вносят тест -микроб, должна быть (49 ± 1) С, при использовании суспензии спор - $65 - 79$ °С, к среде следует добавить такое количество суспензии вегетативных клеток или спор, которое обеспечивает оптимальный рост тест - микроба и четкость зон угнетения его роста [3].

Шесть стерильных цилиндров единого размера и массы, высотой $(10,0 \pm 0,1)$ мм и внутренним диаметром $(6,0 \pm 0,1)$ мм, из нержавеющей стали или алюминия расставляли на поверхности засеянной среды на равном расстоянии друг от друга и от края чашки. В цилиндры или лунки каждой чашки вносили равные объемы рабочих растворов контрольного и испытуемого образцов. Основные растворы контрольных и испытуемых образцов готовили в стерильных растворителях с концентрацией 1 мг/мл. Для уменьшения влияния колебаний во времени между закапыванием растворов, используемых в опыте, после их внесения выдерживали чашки при комнатной температуре в течение 1 - 2 ч. Затем чашки инкубировали при температуре (36 ± 1) °С в течении 16-18ч.

Диаметры зон угнетения роста тест-микроба при помощи соответствующих приборов измеряли с точностью до 0,1мм [4].

Использовали среду Сабуро для *Candida albicans*, мясо-пептонный агар для *St.aureus* и *St.epidermidis* и др., среду Эндо для *E.coli*.

Результаты и обсуждение. Были получены следующие результаты - диаметры зоны (мм.) угнетения роста микроорганизмов: *Candida albicans* - 0 мм, *St.aureus*—10,0 мм, *St.epidermidis*- 7,0 мм *St.saprofiticus* 22,0 мм, *Str.piogenis* 15,0 мм, *E.coli*-15,0 мм, *Prot. vulgaris* 0 мм, *Klebsiella* 28,0 мм, *Ps.aerugenosa* 12,0 мм, *Actinomycet* 17.0 мм.

На основании полученных данных можно сделать заключение, что изучаемый сухой экстракт из желчегонного сбора обладает выраженной противомикробной активностью в отношении грамположительных стафилококков, стрептококков, некоторых грамотрицательных энтеробактерий и условно патогенных микроорганизмов.

ВЫВОДЫ

1. Исходя из полученных данных, можно заключить, что изучаемый сухой экстракт из желчегонного сбора в полной мере соответствует требованиям, предъявляемым к субстанциям природного происхождения (растительного, животного или минерального) для производства нестерильных лекарственных препаратов в отношении его микробиологической чистоты.
2. Сухой экстракт желчегонного сбора «Трифлос» обладает выраженной противомикробной активностью в отношении некоторых грамотрицательных энтеробактерий, актиномицетов и грамположительных стафилококков, стрептококков.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. ТУ 42-01:2002 «Стандарты качества ЛС. Основные положения».
2. Арзамасцев А. П., Титова А. В. Особенности системы стандартизации субстанций в условиях рыночной экономики // Ремедиум. Москва, 2006. № 9. С. 57-59.
3. Гунар О. В. Методологические основы совершенствования системы микробиологического контроля качества лекарственных средств: Автореф. дисс. ... докт. фарм. наук. Пермь, 2009.- 48 с.
4. Государственная Фармакопея XI изд., 2. ,1989. С. 187.
5. Письмо от 29 октября 2001 года N 291-22/144 Об Изменении N 2 к статье Государственной фармакопеи XI изд. "Методы микробиологического контроля лекарственных средств"

РЕЗЮМЕ

“ТРИФЛОС” ЎТ ХАЙДОВЧИ ЙИҒМАСИ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИГИ ВА АНТИМИКРОБ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

**Абдурахмонова Наргиза Абдумажидовна, Болтаева Клара
Шамуратовна, Ибрагимов Абдулла Якубович, Бекчанов Хамдам
Кузиевич**

Тошкент фармацевтика институти

nargiza_24.10.1975@mail.ru

“Трифлос” ўт хайдовчи йиғмаси қуруқ экстрактивинг микробиологик тозалиги ва антимикроб фаоллиги ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра “Трифлос” ўт хайдовчи йиғмаси қуруқ экстракти МҲ да микробиологик тозалikka кўйилган талабларга жавоб беради ҳамда баъзи бир грамманфий энтеробактерияларга ва граммусбат стафилококклар, стрептококкларга қарши юқори антимикроб фаолликка эга.

Калит сўзлар. Сифатли бошқариш, хафсизлик, микробиологик поклик, фитопрепаратлар, қуруқ экстракт, холеритик тўшам, микробларга қарши фаоллик.

SUMMARY

STUDY OF MICROBIOLOGICAL PURITY AND ANTIMICROBIAL ACTIVITY OF DRY EXTRACT OF CHOLAGOGIC HERBAL TEA “TRIFLOS”

**Abdurakhmonova Nargiza Abdumajidovna, Boltaeva Klara
Shamuratovna, Ibragimov Abdulla Yakubovich, Bekchanov Khamdam
Kuzievich**

Tashkent Pharmaceutical Institute

nargiza_24.10.1975@mail.ru

Microbiological purity and antimicrobial activity of dry extract of cholagogic herbal tea “Triflos” were studied. As a result of study, it was found that the dry extract of cholagogic herbal tea “Triflos” meets the requirements of normative documentation to microbiological purity and has the high antimicrobial activity against certain gram-positive enterobacteria and gram-positive staphylococci and streptococci.

Keywords. Quality control, safety, microbiological purity, phytopreparations, dry extract, choleric collection, antimicrobial activity.

УДК 615.322:615.076.7

**“КУРМУФЕР” КАПСУЛАЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК
ТАҲЛИЛИ**

**Абдухалилова Нилуфар Сабировна¹, Искандарова Шохиста
Фехрузовна¹, Игамбердиева Гузаль Алишеровна²**

*Тошкент фармацевтика институти., “Дори воситаларини стандартлаш
илмий маркази” МЧЖ*

[Iskandarova.shakhista@mail.ru](mailto: Iskandarova.shakhista@mail.ru) nilufar-1987@bk.ru

Калит сўзлар: узун куркума, сассиқ каврак, капсула, микробиологик тозалик, сифат назорати, озуқа муҳити, элма, колония ҳосил қилиш бирлиги.

Кириш. Ҳозирги кунда капсула дори шаклига бўлган талабнинг ортишига уларнинг юқори биосамарадорликка эга эканлиги ва ушбу афзалликлари сабаб бўлмоқда. Капсулалар чиройли ташқи кўриниши, қабул қилишнинг осонлиги, танланган муҳитда эрувчанлиги, такрибидаги таъсир қилувчи моддаларнинг аниқ дозаланганлиги, капсула қобиғидан кислород, газ, учувчан моддаларнинг кирмаслиги, осон оксидаланувчи ва гигроскопик қуруқ экстрактларни сақлашда қулайлигини ошириб, ноҳуш таъм ва хидни беркитиши кабиларни мисол қилиш мумкин. Шунингдек, капсулаларнинг керакли хазм қилиш органида эриши ва узок муддатли таъсири, аниқ дозаланиши, уларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тўлиқ механизацияланганлиги ҳамда автоматлаштирилганлиги алоҳида аҳамиятга эга [1].

Маълумки ишлаб чиқариш жараёнида стерилланмайдиган дори воситалари (таблетка, капсула, гранула, эритмалар, экстрактлар, қиёмлар, суртмалар ва б.) ни микробиологик таҳлили олиб борилиши талаб этилади [2,3]. Таркибида узун куркума ва сассиқ каврак қуруқ экстрактлари тутган капсулалаланган биологик фаол қўшимчанинг микробиологик таҳлили унинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Юқоридаги маълумотларни инобатга олинган ҳолда ўз таркибида узун куркума ва сассиқ каврак қуруқ экстрактлари сақлаган “Курмуфер” капсулаларининг микробиологик тозалигини ўрганиш бўлиб ҳисобланади.

Тажриба қисми

Материаллар ва услублар. Таркибида узун куркума, сассиқ каврак қуруқ экстрактларини сақлаган “Курмуфер” капсула намуналари ўрганилди. Тадқиқотлар “Dori vositalarini standartlash ilmiy markazi” МЧЖ нинг микробиологик лабораториясида олиб борилди.

Тадқиқотлар Х I ДФ 2 нашр, 193 саҳифа ва 2-сон ўзгартиришларда келтирилган усуллар асосида олиб борилди [4,5]. Унга кўра дори воситалари таркиби, ишлатилиши бўйича категорияларга ажратилади. Курмуфер капсулаланган биологик фаол қўшимчаси 3 Б категорияга яъни

ичиш учун мўлжалланган, табиий хомашёлардан тайёрланган дори воситаларига тегишли бўлиб микроблар билан зарарланиш меъёрлари қуйдаги жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Категория	Препаратлар	Талаб қилинадиган кўрсаткич
З Б	Ичиш учун мўлжалланган, табиий хомашёлардан тайёрланган дори воситаларида рухсат этиладиган микроблар сони	- Аэроб микроорганизмларнинг умумий миқдори -1г (мл) да 10^2 КХБ дан кам; - Замбуруғларнинг умумий миқдори -1г (мл) да 200 дан кўп эмас; -1г (мл) да энтеробактерияларнинг 100 дан кўп эмас -1г (мл) да <i>Escherichia coli</i> , <i>Ps.aeruginosa</i> <i>Staphylococcus aureus</i> нинг бўлмаслиги; -10г (мл) да <i>Salmonella spp.</i> нинг бўлмаслиги;

Микробиологик таҳлилни олиб бориш учун 2-жадвалда келтирилган озуқа муҳитларидан фойдаланилди.

2-жадвал

Озуқавий муҳит	Тавсифи
Моссел бульони	Энтеробактериялар ва бошқа турдаги бактерияларни аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Соя казеинли булонь №8	Аэроб бактериялар, ичак тайёқчаларини аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Мак-Конк бульони №3	Ичак тайёқчаларини аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Раппопорт – Вассилиадис бульони	Сальмонеллаларни аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Висмут-сульфитли агар (ёки № 5 рақамли озуқа муҳити)	Сальмонеллаларни аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Цетримидли агар; №16 рақамли озуқа муҳити	<i>P. aeruginosa</i> ларни аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Маннит-тузли агар	<i>P. aeruginosa</i> ларни аниқлаш учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Сабуро бульони	аччитқи ва моғор замбуруғлари учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон
Агар-сабуρο глюкозали	аччитқи ва моғор замбуруғлари учун озуқа муҳити, қурук, “НІМEDIA” Ҳиндистон

Тажрибалар намуналарнинг ифлосланишини олдини олиш мақсадида асептик шароитларда олиб борилди.

